

КИНО СОҲАСИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК МАСАЛАСИ

*Хусанов Шерзод Тиркашалиевич, +99893-593-37-76
ТАТУ, Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси ўқитувчиси,*

Цивилизациямиз ўзининг ривожланиш жараёнида ҳеч қачон ҳозирги пайтдагидек кескин муаммолар гирдобидида қолмаган. Глобаллашув деб аталувчи бу жараён оламшумул ютуқлар билан бирга бир қатор муаммоларни ҳам олиб келди. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалалари ана шу глобаллашув жараёнининг энг долзарб масаласига айланди.

Муҳтарам юртбошимиз “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга¹” ва хавфлироқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Миллий мерос, анъаналарга қарши қаратилган ғоялар, оммавий маданият тарғиби каби мавқуравий хуружлар эса бевосита турли оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение, кино воситалари, интернет глобал тармоғи орқали ҳам амалга оширилмоқда. Бир қарашда шунчаки оддий фильмдек кўринган айрим фильмлар секин асталик билан таъсир қилувчи заҳарга айланиб улгураётганлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, маънавиятимизга болта уриб ўрнига оммавий маданиятни жойлашга қаратилган хавфли қуролга айланиб бораётганлиги бугунги кунда очиқ ойдин кўриниб қолди.

Президентимиз Ислом Каримов “Эндиги асосий вазифа – кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тайзикдан, кулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади²”, – деган эдилар. Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёслигини инобатга олган ҳолда бошқа соҳаларда бўлгани каби ўзбек миллий киноси ривожини учун кенг йўл очиб берилди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги “Кинокомпания” тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонида асосан кино соҳасини алоҳида тармоқ тизим сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармонга асосан, “ЎЗБЕККИНО” давлат акционерлик компаниясининг тузилиши, 2004 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография

¹ Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, 113-бет.

² Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 74-бет.

соҳасида бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва 17 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори шу ғамхўрликнинг амалий натижасидир. Кино санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган ана шундай кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда.

Ушбу тарихий ҳужжатларни жорий этишдан мақсад – миллий кинематографияни янада ривожлантириш, мамлакатда амалга оширилаётган улуғвор ўзгариш ҳамда ютуқларни миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида тўлақонли бадиий акс эттириш, бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмларнинг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини оширишдан иборат эди.

Маънавият тушунчаси ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўринга эга. ”Маънавият инсонни руҳан поклаш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамни ички дунёси, иродасини бақувват, имон, эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч. У барча қарашларнинг мезонидир.”³ Кино санъати эса маънавият тарғиботида энг асосий ва кучли таъсирга эга бўлган воситалардан биридир.

Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ёш авлод тарбиясига, унинг маънавияти ривожига сабаб бўлувчи фильмлар, замонавий ёшлар ва уларнинг ўй-фикрлари, муаммоларидан ҳикоя қилувчи фильмлар ҳали талаб даражасида яратилаётгани йўқ. Сўнгги пайтларда кинорежиссёрлар томонидан бир қатор фильмлар яратилган бўлсада, бу фильмлар кўпроқ “насиҳатчилик” йўлида яратилганлиги учун ҳам ёшларни ўзига талаб даражасида жалб қила олмаяпти.

Кино соҳасида йиғилиб қолган бир қатор муаммоларнинг асосий сабаблардан бири ва энг асосийси кадрлар масаласидир. Кейинги йилларда кино соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш долзарб масалага айланди. Чунки, буни очиқ тан олишимиз керакки профессионал даражадаги кино мутахассисларини, хусусан, кинотелеоператорларни тайёрлаш учун аввало миллий руҳдаги ва миллий тилдаги ўқув қўлланмалар, дарсликлар керак. Собиқ тузум даврида мамлакатимизда телевидение, фотография, кино соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим масканлари йўқ эди, ва табиийки, ўзбек тилидаги ўқув қўлланмалари ҳам яратилмаган.

Бу муаммони ечиш, кино соҳасини ислоҳ қилиш, янада ривожлантириш учун эса малакали ёш кадрларни етиштириш зарур. Кино соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар эса ҳам маънавий, ҳам ўз

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008.78-б.

мутахассислиги томонлама юқори даражада ривожланган мутахассис бўлишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг бир қатор Фармон ва Қарорлари натижасида аввал 1992 йилдан бошлаб Тошкент давлат санъат институтида (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) 2009 йилдан бошлаб эса Тошкент ахборот технологиялари университетида “Кинотелеоператорлик” таълим йўналиши очилиб кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор ислохотлар олиб борилди ва олиб борилмоқда. Тайёрланаётган кадрларга нисбатан қўйилаётган талаблар ҳам ўзгарди. Бугунги кун мутахассислари нафақат замон билан ҳамнафас бўлиши, балки ўз мутахассислиги бўйича фан-техника соҳасида эртага юз бериши мумкин бўлган янгиланиш, ривожланишларни, кашф этилиши мумкин бўлган янги технология ва усулларни ҳам аввалдан прогноз қила оладиган даражада комил бўлишлари керак.

Қўйилаётган бу каби талабларга жавоб берувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш учун эса аввало уларга билим ва малака берувчи профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари ана шундай юқори даражада тайёрланган бўлиши керак.

Бугунги кунда энг тез ривожланаётган соҳа техника, ахборот технологиялари соҳаси ва бежиз XXI асрни ахборот асри деб айтилмайди. Шундай экан, кино соҳаси учун мутахассислар тайёрловчи олийгоҳларда ҳам мутахассислик фанларидан дарс бериш жараёнини тубдан кўриб чиқиш, янги услубда дарс олиб боришга кенгроқ эътибор қаратиш ва бунинг учун зарурий шарт-шароитларни яратиш даври келди.

Бугунги кунда педагоглар олдида турган энг асосий муаммо вақт ва замон билан ҳамнафас бўлишдир. Бу гап бир оз ғайритабиийдек эшитилиши мумкин. Лекин, замонавий технологиялар кундан-кун жадал суръатларда мукаммаллашиб, янгиланиб бораётган бугунги кунда эски дарс ўтиш усуллари билан талабаларни дарсга жалб этиб бўлмай қолгани сир эмас. Замонамиз ёшлари тезкор компьютер технологиялари асри фарзандлари бўлганлиги учун ҳам уларни эски дарс бериш усуллари, эски манбаалар билан дарсга жалб қилиш тобора мушкул бўлиб қолмоқда.

Шуниси ачинарлики, баъзи профессор-ўқитувчилар ўзлари дарс бераётган фанларнинг маъруза материаллари сифатида 15-20 йил олдин нашр қилинган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланадилар. Уларни янгилаш, интернет ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда маърузаларни бугунги кундаги энг сўнгги технологик ютуқларни қамраб олган ҳолда қайта ишлаб чиқишни эса ҳаёлларига ҳам келтирмаяптилар. Катта авлод вакиллариининг шиддат билан ривожланаётган ахборот техникаларини ўрганиб улгурмаётган бўлсалар, баъзи ёшлар ҳам компьютер технологияларни тушунмасликлари ва бунга қизиқмасликлари сабаб даврдан орқада қолиб кетаётганликлари масалани янада оғирлаштиради. Бу муаммо нафақат юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган фанларга, балки аниқ фанлар, тарих ва фундаментал йўналишдаги фанларга ҳам даҳлдор.

Замон ва давр билан ҳамнафаслик масаласи айниқса мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар олдига жуда катта масъулиятни қўймоқда. Баъзан, бир фаннинг маърузалар матнини бир ўқув йилида 7-10 мартагача янгилаш зарурати туғилиши мумкин. Бу масала дастурлаш, ахборот хавфсизлигига оид таълим йўналишларида, телевизион, мультимедиа технологиялари йўналишларида айниқса долзарблик касб этмоқда.

Мисол қилиб айтадиган бўлсак, “Телевизион технологиялар” таълим йўналишида ўқитиладиган “Монтаж”, “Рақамли контентлар учун махсус эффектлар”, “3D моделлаштириш ва рақамли анимация”, “Рақамли кинематограф ва тахрирлаш”, “Медиа технологиялари” каби мутахассислик фанларидан амалиш ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган ва ҳозирги кунда ўқув дастурида келтирилган компьютер дастурлари, технологиялар, ускуна ва воситалар маънавий жихатдан эскирган бўлиб аллақачон ишлатилмай қўйилган ва уларнинг асосий қисми ишлаб чиқарилмайди. Ҳозирги кунда Sony Vegas, 3DMax, Maya ва Adobe® медиа дастурлари оиласига мансуб Adobe Premiere® CS, Adobe After Effects® CS серияларидаги видео монтаж дастурлари ҳам бир йил аввал замон талабига жавоб берган бўлсада, ҳозир уларнинг жуда янги версиялари чиқиб улгурган.

Янги ўқитиш методларидан фойдаланиш бошқа фанларни ўқитишда ҳам ижобий натижалар бериши аниқ ва улардан фойдаланиш давр талабига айланиб улгурган. Бироқ, университетнинг асосий йўналишини ҳисобга олган ҳолда айнан мутахассислик фанлари дарсларида ва бевосита дастурлар, тасвир ва овоз, уларни тахрир қилиш жараёни билан боғлиқ фанларни ўқитишда юқори технологияли, интерфаол ўқитиш услубларини қўллашни асло пайсалга солиб бўлмайди.

Замонавий таълим талаблари, таълим сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган махсус давлат дастурлари дарс давомида, айниқса мутахассислик фанларидан билим бериш жараёнида кўпроқ ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланишни, мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишни, ўқитиш жараёнини ҳам визуаллаштириш, фаоллаштиришга талаб этмоқда.

Ўқитиш жараёнида махсус стендлар ва ўқув фильмлар кўриги билан бир қаторда слайдлардан, визуал ўқув куроллари, мультимедиа воситаларидан ва замонавий технологиялардан фойдаланишга қаратилган ўқитишнинг янги услубларини қўллаш талабаларда аввало фанга қизиқишни ўстиради, қолаверса, мавзуларни талабалар томонидан яхши ўзлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбек кино санъати соҳаси учун кадрлар тайёрлашда уларни жаҳон талаблари даражасидаги рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш бугунги кунда педагогларнинг энг асосий бурчидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, 113-бет.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.